

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi
**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ**

Усмонов Мурод Содиқович

Жиззах Давлат Педагогика университети доцент в.б

Ушибу мақола ахборот технологиялари ва уларни қўллаш методологияси асосида электрон таълимнинг интерфаол курсларини яратишга багишиланган. Ахборот технологиялари ўқув курсларидан фойдаланишининг асосий мақсади талабалар фойдаланишининг асосий мақсади талабалар ва ўқувчиларни ўқитиши самарадорлигини оширишидир.

Калит сўзлар: интерфаол, ахборот технологиялари, ахборот, электрон курслар

В данной статье затронуты вопросы создания интерактивных электронных учебных курсов на основе средств информационных технологий и методика их применения. Основная цель применения интерактивных электронных учебных курсов-повышения эффективности обучения студентов и учащихся.

Ключевые слова: интерактив, электронные учебники, мультимедиа, информационная технология.

This article touches upon the creation of interactive e-learning courses based on information technology tools and the methodology for their application. The main purpose of using interactive e-learning courses is to increase the effectiveness of teaching students and learners.

Key words: interactive, electronic textbooks, multimedia, information technology.

Ахборот технологиялари (АТ) ўқув жараёнига татбик қилишда ўқитишининг мазмунини такомиллаштирувчи шакл ва методларини излаб топиш масалалари муҳим ўрин тутади.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

А Тларини ўқув жараёнига татбиқ этишда маъруза дарсларига алоҳида эътибор берилади ва бу ўқитиш методи олий таълимда муҳим ўқитиш шаклларидан хисобланади. Маъруза дарсларини назарий, ғоявий томонларини такомиллаштириш унинг ўқув жараёнидаги аҳамиятини янада ошиб боришини таъминлайди. Кўпгина педагог-олимлар маъруза дарсларини ривожлантириш ўқитиш сифатининг ошишига олиб келишини таъкидлаганлар. Маъруза ўқишининг мақсади талабаларни амалий, лаборатория ишлари ҳамда ўқув, адабиётлари билан мустақил ишлай олишларини таъминлаш учун уларни ўқув материаллари билан қуроллантиришдан иборат.

Маъруза дарсларини ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштириш учун улардан маълум даражада билим, ирода, меҳнат ҳамда диққатни жалб этиш каби хислатларнинг бўлиши талаб этилади. Шунинг учун маъруза дарсларини ўтишда ўқувчи-талабаларнинг ўқитувчилар билан ҳамкорликда ишлашларини таъминлаш катта самара беради. Шу билан бир қаторда, ўқувчи-талабаларнинг мустақил ишлашлари учун ҳам алоҳида эътибор ва шароит яратмоқ лозим. Ўқувчи-талабалар мавзу уцида қанча кўп бош қотирсалар, у шунча кўп тушунадилар ва эслаб қоладилар. Тушуниб, эслаб қолиш энг яхши ва мустаҳкам билим олишнинг усуллари дандир.

Мустақил шуғулланиш ўқувчи-талабаларда психологияк жараёнларни ривожлантиришга сабаб бўлади ва кейинчалик мавзуни тушунишлари учун уларни кенг масштабда фикрлаш, воқеа-ходиса ҳамда фактларни тахлил қилишга тайёрлаб боради. Шуни таъкидлаш лозимки, маъруза дарсларини ўтишда мавзуларга доир дидактика элементларини қўллаш яхши самара беради. Шу сабабли маъруза дарсларига тайёргарлик кўриш алоҳида ўринда туради. Бу эса маъруза дарсларига тайёргарлик кўришда замонавий воситалардан фойдаланиш, мавзу бўйича ўқувчи-талабаларга ўқув материалларини кўриш, эшитиш, таққослаш, образлар кўринишида тақдим этиш каби компонентларнинг киритилиш имкониятларни яратадики, булар маъруза дарсларини самарадорлигини оширишга олиб келади.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Маъруза ўқишида ўқитувчи берилаётган материални ҳар хил кўринишида (нутқнинг даражаси, паст ёки баланд, тақрорлаш, қўшимча намойиш қилиш) баён қилиш мумкин. Иккинчидан, ўқитувчи бунга қачон эҳтиёж туғилганлигини аниқ билмаслиги мумкин. Бунга талабаларнинг маъруза дарсларини маълум қисмларига фаол иштирок этмаганликлари сабаб бўлиши мумкин. Бу эса оқибатда дарсдан дарсгача бўлган материални ўзлаштирасликка олиб келади. Бу маънода ахборот технологияларини ўкув жараёнига қўллашда ўкув-материалларини электрон нусха шаклида жорий этиш ўкувчи-талabalар ва педагог-ходимларга кенг имкониятлар яратади.

Хулоса қилиб айтганда дарс жараёнида электрон нусхада берилган ўкув-материаллардан ўкувчиларга бериладиган назарий билимларни амалиёт билан боғлаб бориш, бунда муаммоли назарияларни вужудга келтириш, қўйилган муаммони ўкувчилар билан биргаликда ечиш, уларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиради, ўтилган мавзу моҳиятини тушуниб олишларига ёрдам беради. Ушбу муаммоли ўқитиши ва ўкувчиларнинг мустақил ишлашини ташкил қилиш учун ахборот-педагогик технологияларга асосланган мультимедиали электрон дарсликларнинг яратилиши айни муддаодир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Усмонов С, Усмонов М, Кўшоқов А, Усмонова Б. Ахборот ресурслар бизнеси. Samarqand Iqtisodiyot va servis instituti “Экономика, образование. Занятость: сегодня и завтра”. Самарканд 26 февраля 2009. 260-261.
2. Усмонов С, Усмонов М. “Barkamol avodni tarbiyalash va yuksak malakali mutaxassis kadrlar tayyorlashda ta’lim, fan va ishlab chiqarishning aloqadorligi: tajriba, muammo va yechimlari” Jizzax DPI. Respublika ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari. Jizzax 14 mart 2011. 212-213
3. Usmonov S, Usmonov M. Uzluksiz ta’lim tizimini axborotlashtirishda interfaol elektron o’quv kurslarning ahamiyati ToshDTU xabarlari. 3-son 2015. 282-285
4. Usmonov S, Usmonov M. Uzluksiz ta’lim tizimi sifatini oshirishda innovatsion

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

texnologiyalardan foydalanish. Uzuksiz ta'lim ilmiy-uslubiy jurnal. 2-son Toshkent. 2013. 64-67

5. Usmonov S, Usmonov M. Uzluksiz ta'lim tizimini axborotlashtirishda interfaol elektron o'quv kurslarning ahamiyati ToshDTU xabarlari. 3-son 2015. 282-285